УДК 811.111’42

СУКУТ ВА УНИНГ КОММУНИКАТИВ ВАЗИФАСИ ҲАҚИДА

М.М. Саидхонов

Мақола ўзбеклар алоқа-аралашувида ишлатилувчи вербал ва новербал воситалар, хусусан, сукут феномени ҳақида бўлиб, кейинги йилларда тилнинг ташқи томони бўлмиш нутқий жараён билан боғлиқ ҳодисаларнинг тилшуносликда фаол ўрганилаётгани, унда сукутнинг турлари хусусида маълумот берилган. Коммуникатив акт доирасидаги сукутнинг вазифалари, диалогик нутқда ишлатилиши, мулоқот жараёнида ифодалайдиган маънолари, шунингдек, бадиий матнда сукутнинг берилиши таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *вербал ва новербал, алоқа-аралашув, коммуникатив акт, сукут, мулоқот, сукут диалоги, новербал код.*

В статье речь идёт об используемых в общении узбеков вербальных и невербальных средствах, в частности, о феномене молчания. Приводятся сведения об активном изучении в последние годы лингвистами явлений, связанных с речевым процессом, являющимся внешней стороной языка, а также данные о видах молчания. Проанализированы функции молчания в рамках коммуникативного акта, его использование в диалогической речи, значения, выражаемые в процессе общения, а также передача молчания в художественном тексте.

Ключевые слова: *вербальный и невербальный, коммуникация, коммуникативный акт, молчание, общение, диалог молчание, невербальный код.*

Кириш

Кейинги йилларда сукут феноменига тилшуносларнинг эътибори ортиб бормоқда. Негаки сукут коммуникатив акт таркибида ахборот узатишда аҳамиятли унсур сифатида тадқиқ этилмоқда. Сукут нутқий мулоқотсиз мазмунсиз бўлганидай, нутқий мулоқот ҳам сукутсиз ғариб, номукаммал бўлади.

Сукут тилшуносликнинг ўрганиш объекти саналиб, турли йўналишларда тадқиқ этиб келинмоқда: коммуникатив, психологик, диний-мистик, эстетик, культурологик, этнографик ва б.

Нутқий алоқа-аралашув жараёнида пропозоционал ва прагматик компонентларнинг барчаси вербаллашмайди, балки вербал ифодалар билан коммуникатив ва семантик жиҳатдан чамбарчас боғлиқ бўлади. “Инсонда, – деб ёзади И.Н.Горелов, – ҳаётининг бошланишиданоқ коммуникатив актнинг вербал ва новербал воситаларига диққат жалб этиш малака ва кўникмалари тарбияланиб боради” [1. Б. 90]. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, алоқа-аралашув жараёнининг шаклланишида ва рўёбга чиқишида, адресант ва адресатнинг фикр алмашинувида “сукут” (жим туриш, гапирмаслик) ҳам новербал восита сифатида иштирок этади. Новербал воситалар белги сифатида маълум ахборотни билдириш учун ишлатилар экан, ҳар қандай ҳолат Г.В.Колшанский таъбирича, “умумий паралингвистик воситадир” [2. Б. 59].

Материал ва методлар

Кишилар ўртасидаги мулоқот пайтида сўзловчи ва тингловчи муносабатларида коммуникатив акт таркибида сукутни кузатишимиз мумкин. Ушбу тадқиқот объекти коммуникация жараёни бўлиб, адресант ва адресатнинг сукут қилиши муайян маъно ифодалайди. Бу маъно

коммуникантларнинг муносабатларига, вазиятга, ҳолатга кўра реал мулоқот жараёнида аниқланади. Вербаллашган сукут жараёни матнни таҳлил қилиш орқали реаллашади.

Натижалар ва уларнинг таҳлили

Сукут қилиш мулоқотимизнинг компонентларидан бири саналади. Агар дунёда одамлар фақат гапирганларида эди, унда инсонлар ўртасида алоқа-аралашув юзага чиқмаган бўлар эди. Унда ҳамма тинмасдан гапирган, ҳеч ким эшитмаган бўлар эди. Шунинг учун сукут коммуникациянинг ажралмас қисми деб ҳисобланади. И.А.Стернин томонидан айтилган мулоқотнинг қоидасида айтилади: ҳар қандай одамнинг нутқида гапириш ва сукут қилиш мутаносиблиги – доимийлик мезони саналади [3].

Бу шундан далолат берадики, ҳар қандай одам маълум муддат гапиради, маълум вақт сукутда бўлади. Мулоқот доимий сукут нутқий акти билан бошқа алоқа воситаларининг муайян пропорциядаги ўзаро алмашуви ва алоқадорлиги асосига қурилади [4].

Сукут фақат коммуникатив муносабатни ифода этмайдиган табиий ҳолатидагина, масалан, ухлаганда, иш билан банд бўлганда, умуман олганда, нутқий алоқа-аралашувга киришмаганда аҳамиятсиз саналади.

Сукут муайян ҳолат орқали реаллашади. Шунинг учун сукутнинг ишлатилиши ҳам, у ифодалайдиган маъно ҳам, унинг коммуникатив актдаги ўрни ҳам коммуникатив вазиятда намоён бўлади.

Сўз ва сукутнинг ўзаро муносабати кундалик коммуникация даражасида муҳокама этилмаслиги мумкин эмас. Негаки алоқа-аралашув сукут ва турли кўринишдаги нутқий коммуникациядан таркиб топади. Сўз ва сукут муносабати ҳақидаги масала доимо диққат марказда бўлиши алоқа-аралашувда янги-янги коммуникатив вазиятларнинг бўлиши билан боғлиқ. Бу эса сукутнинг турли қамровларда янги маънолар ифодалашидан, ҳар хил контекстларда турфа мазмун беришидан дарак беради. Зеро, “Тил информациясининг тўла манзарасини намоён қилиш учун эса нутқнинг барча томонларини комплекс равишда текшириш зарурлиги” А.Нурмонов томонидан айтиб ўтилади [5. Б. 215].

Сўз кичик бирлик сифатида олинар экан, сукут ҳам белги назариясига кўра сукут акти саналади. Сукут коммуникатив акт таркибида маълум сўз билан бирга ёки унинг ўрнида қўлланиб, адресатнинг оламни билиши доирасида идрок этишини тақозо этади. Ҳар бир инсоннинг оламни билиши, кишилар билан мулоқотда орттирган билими, тушунчаси асосида сукутдан ҳосил бўлган маъно коммуникантларнинг ўзаро тушунишларини тақозо этади. Бу инсоннинг дунёни идрок қилиши ҳисобига амалга ошади. Шунинг учун новербал код лисоний код билан узвий ва узлуксизлик асосида биргаликда келадики, натижада структур жиҳатдан ҳам, мазмуний жиҳатдан ҳам ўзига хос коммуникатив акт юзага келади. Ҳар хил маданиятларда, табиий равишда, маълум нарса, воқеа, белги ёинки ҳаракат ифодасига турлича қаралади. Бу, албатта, мулоқот тарихи, этик ва эстетик нормалар, этнографик ёндашиш, диний қарашлар, урф, одат, анъаналар каби омилларга боғлиқ бўлади. Масалан, шарқ халқлари маданиятида суҳбатдошни ҳурматлаш кучли бўлгани сабабли, сукут бу каби халқларда эмоционаллик ифодаламасдан коммуникатив норма жумласига киради.

Сукутнинг ишлатилишида инсон омили вербал восита ишлатилишидан кўра кучлироқ бўлади ёки, аксинча, коммуникантларнинг ўзаро муносабатларидаги номутаносиблик ёки таниш эмаслик натижасида сукутнинг маъноси нотўғри талқин қилиниши мумкин. Шунинг учун сукутнинг маъноси конкрет нутқий акт доирасида аниқланади. Сукут новербал восита сифатида бошқа воситалардан (ишора, имо, овоз ўзгаришлари, тана ҳаракати ва б.) ўзининг шаклий ва коммуникатив жиҳати билан фарқланади. Энг эътиборли жиҳати сукут ситуациядан келиб чиққан

ҳолда кўп маъно ифодалаб келади. Режалашти-рилган новербаллашув фақат реципиент томо-нидан талқин қилинади.

Маълумки, диалогнинг моҳияти суҳбатдошларнинг ўзаро ахборот алмашувларидан иборат экан, коммуникантларнинг сўзлашув доирасидаги сукути узатилаётган ахборотни ҳазм қилиш ва мушоҳада асосида унга мос ахборот узатишдан иборат бўлади. Айтиш мумкинки, сукут маъноси кўп ҳолларда вербаллашган тарзда ифода этилади. Бундай ҳолларда сукут вербал восита орқали кузатиб борилади ёки тасдиқланади ёхуд таъкидланади.

Кейинги йилларда кишилар ўртасидаги юзма-юз мулоқотнинг камайиши, ахборотни имкон қадар тез узатиш мақсадида мобил алоқалардан фойдаланиш, пандемия муносабати билан алоқа-аралашувда масофанинг сақланиши, йиғилишларнинг онлайн шаклда ўтказилиши каби сабаблар новербал воситаларнинг коммуникацияда ишлатилишига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Айниқса, сукут новербал воситасининг фаоллиги намоён бўлмоқда. Инсон ўз фикрларини, қарашларини, ички туйғу ва ҳиссиётларини, узатилган ахборотга ёки ҳолатга муносабатини кўп ҳолларда сукут қилиш орқали ифодалаб беради-ки, буни тушуниш, илғаб олиш даркор бўлади. Маълум маънода сукут қилиш коммуникациянинг давомийлигини таъминловчи восита ҳамдир. Бу, албатта, сукут қилувчининг психологик ҳолати, ижтимоий мавқеи, коммуникатив ўзига хослиги, коммуникантларнинг индивидуал муносабатлари асосига қурилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, сукут тадқиқот объекти ва интерпретациясига эга унсур сифатида алоқа-аралашув жараёнида сўз билан зарурий боғлиқликда бўлади, яъни жим туришни ифода этиш учун сўздан фойдаланилади. Сўз сукутнинг кўп вазифалилигидан келиб чиққан ҳолда ифода эта-диган маъноларидан мосини, коммуникатив акт мазмунини очиб беришда ишлатиладиганини аниқлаб беради. Сукут шу жиҳати билан сўздан фарқ қилади. Шунинг учун сўзнинг матндаги маъноси мавҳум бўлади. Сукутнинг сеҳр-жодуси нутқий алоқа-аралашувнинг сеҳридан эътиборлироқ.

Аниқроғи, аксинча, бўлиши мумкин: “Нима ҳақида гапириш мумкин бўлмаса, ўша ҳақида сукут сақлаш керак, – тўғриси, инсонлар мулоқот қилганларида ҳали мазмуни ифодаланмаган фикрларини сукут сақлашлари асосида намоён этадилар”, – деб айтиб ўтади Витгенштейн [6. Б. 36]. Демак, тадқиқот объекти ва интерпретация (талқин) қилинадиган сукут метатил доирасида сўз билан зарурий алоқада бўлади. Чунки сукутни ифодалаш учун сўздан фойдаланилади.

Биз тафаккур қилган ва режалаштирган ахборотнинг жуда кичик қисмини гапирамиз, ахборотнинг жуда катта қисми семиотик багаж ёрдамида импликация қилинади ва шарҳланади. Энг эътиборлиси, сукутни турли контекстларда тушуниш ва маъносини англаб етиш керак бўлади, негаки нутқий алоқа-аралашувдан ташқарида сукут нокоммуникатив ва ноинформатив характер касб этади.

Психолингвистика ва лингвопрагматикада сукут амбовалент (икки томонлама тасаввур) характерга эга. Биринчи томондан, у нутқнинг мавжуд эмаслиги билан, ахборот, ўзаро алоқадорликнинг йўқлиги билан, шунингдек, ёпиқлик, беркинганлик билан характерланса, иккинчи томондан, сукут чуқур кечинмалар, жиддий позициялар, энергия тўплаш билан ассоциация қилинади. С.В. Крестинский сукутни ички нутқнинг бир шакли деб айтади ва инсон қандайдир сабабга кўра товушли нутқни инкор қилганда, ўйлашдан тўхтамайди. Бу тўхташнинг инкори режалаштирилган ёки режалаштирилмаган, маълум психологик ёки ижтимоий омиллар асосида, муайян муҳит ва вазиятнинг талаблари ёки нормалари асосида бўлиши мумкин. [7. Б. 77]. Фалсафада сукут осудалик ва овозсизлик сифатида ассоциация қилинади.

Сукут кўп маъноли ва кўп вазифали воситадир. У вербал ва новербал код орқали ифода этиладиган ҳар қандай маъно ёки мазмунни ифода этиши мумкин бўлади. Сукут бошқа нутқий акт воситалари каби новербал кодлар билан кузатиб бориладики, коммуникация учун

аҳамиятлилик даражаси ва конкрет дискурс ҳолатидаги маълумотлар комплексига қўшган улуши янги шаклда турланади.

Сукут ахборот узатувчи яхлит асос манбага эга бўлмагани сабабли экспрессивлик билан безанган бўлади. Ҳатто оддий розилик ёки норозилик маъносини ифодалашда ҳам, гарчи сукутни нутқий актда осон ва аниқ билдириш мумкин бўлган тақдирда ҳам, у ёки сўзловчининг (сукут қилувчининг) имплицит ҳолда эмоционал ҳолатини ёки унинг ҳаракатга суҳбатдошнинг (тингловчининг) муносабатини англатади. Албатта, адресат бу йўл билан узатилган ахборотни осон адекват тушуниб олади. Бунинг сабаби, биринчидан, коммуникантлар ўзига хос маданий дискурсив стратегия билан таниш бўлади, иккинчидан, муайян ҳолатда биргаликда новербал кодни ўқиш учун билим, малака ва коммуникатив тажрибага эга бўлади. Бошқача айтганда, сукут интеракциянинг аниқ маъно ифодаловчи компоненти бўлиб, акс ҳолда мос равишдаги дискурсив шароитда нутқий фаолият йиғиндисининг мазмуний интерпретациясини мутлоқ ўзгартиради.

Шунинг учун прагмалингвистикада сукутнинг тадқиқида энг асосий муаммолардан бири бу унинг коммуникатив аҳамиятга эгалиги ёки коммуникатив аҳамиятга эга эмаслигидир. Коммуникатив аҳамиятга эга бўлмаган сукутнинг ўзига хослиги шундаки, у функционал юк ташимайди ва мулоқот ҳолатидан ташқарида бўлади. Бу каби сукут коммуникатив вазифа бажармайди.

Функционал тилшунослик нуқтаи назаридан олиб қаралганда, белги вазифасини бажарувчи коммуникатив сукут алоқа-аралашувда ишлатилувчи восита сифатида лисоний таҳлил объекти саналади.

Сукут фонацион, лексик ва ишоравий новербал воситалардан ва, шу билан бирга, алоқа-аралашувнинг вербал бирликларидан коммуникатив актда ишлатилиш жараёни билан, қолаверса, алоҳида ҳолда мазмун ифодалаш хусусиятлари билан фарқланади.

Сукут маълум сўз ёки гап, тушунча ёхуд фикр билдириши, имо-ишоравий сигнификатга эга бўлиши мумкин. Лекин сукут коммуникатив актдан ташқарида мазмун ифода этмайди. Алоқа-аралашувда сукут кўп вазифаларда ва маъноларда келишидан қатъи назар, ифодалаётган маъно нутқий жараёнда аниқланади.

Алоқа-аралашув жараёнида сукутнинг ишлатилишини текшириш шуни кўрсатадики, сукут психопаралингвистик ҳодиса бўлиб, алоқа-аралашувда, вербал восита орқали ифода этиб бўлмайдиган ҳолатда, саломатликка кўра руҳий ҳаяжон ҳолатида коммуникантларнинг ўзаро муносабатларига кўра ишлатилади.

Айрим ҳолларда киши ўта ҳаяжонланган пайтларида, инсон керакли сўзни топа олмай қолганда ҳам унга паралингвистик воситалар ёрдамга келади ва алоқа-аралашувнинг юзага чиқишини таъминлайди. Айниқса, қўрқув ҳайронлик, аччиқланиш, нафрат, севинч, ғурур ва бошқа ҳолатларда инсонларга табиий равишда ёрдамга келади.

У қийналиб аранг нафас олар, юзлари кўкариб, кўз соққалари ғалати тарзда ўзгариб кетганди. Ўнг қўли билан чап кўксини ғижимлаб бўғриқарди: Шубҳа йўққи, бу ғалдаги юрак хуружи эди. (У.Ҳ.)

Келтирилган парчада гарчи қаҳрамон бирор оғиз сўз айтмаган бўлса-да, китобхон асар персонажи ҳолатини англаб олади. Персонажнинг ҳолатидаги ўзгаришлар ва шунинг натижасида узатилаётган “хабар” матннинг давомини ўқиганимизда, бошқаларга ҳам етиб борганининг гувоҳи бўламиз.

Нима бўлди, тоға, юракми? – довдираб қолган Ҳалима ая дабдурустдан нима тадбир кўришини билмай тутилди. – Юсуф, ўғлим, қўшниларга айт, дўхтир чақирсин!... . (У.Ҳ.)

В.В.Богданов коммуникатив вазифа бажарувчи сукутни “нутқий актнинг ноль формаси” деб айтади [8. Б. 15].

Биз ушбу ишда, асосан, коммуникатив вазифа бажарувчи сукутга тўхталиб ўтамиз. Коммуникатив аҳамиятли сукут адабиётларда

коммуникатив белги (Крестинский), коммуникатив актдаги **новербал белги** (Корнилова), **этнонутқий тақиқ** (Садыкова), **нутқий акт** (Меликян) каби номланган.

Сукут бошқа ҳар қандай нутқий акт каби интенционал характер касб этади ва маълум сўзловчидан, талаффуз қилувчидан коммуникациянинг муайян вақтида ҳеч нарса айтмаслигини билдиради. С.В.Крестинский сукутни “новербал хулқнинг эшитилувчи шакли” деб таърифлайди. Олимнинг сукутни эшитилувчи шакл дейишига сабаб биз сукутни эшитамиз, яъни нутқий алоқа-аралашув бўлмаётганини эшитамиз ва бу ҳолат (сукут) тингловчига қандайдир таъсир қилади. Сукутга адресат ўз эътиборини қаратади, биз аввалига уни эшитув органларимиз орқали қабул қиламиз, бизнинг миямизга таъсирини ўтказади, кейин у туйғуларимиз таъсирида маълум ҳиссиётлар ҳосил қилади. [7. Б. 78].

Сукут орқали сўзловчи (бу ўринда сўзламовчи) ўз ният ва интенцияларини суҳбатдошга (адресатга) етказади ва бунинг натижасида унинг кейинги мулоқотига (вербал ёки новербал) таъсир қилади. Бу ифода этилаётган нутқий актнинг иллокутив кучини ва перлокутив ҳаракатини билдиради. Сукут актининг пропозиционал мазмуни шундан иборат бўладики, инсон нима сабабдандир сукут ҳолатида ўз фикрини ифода этмайди.

Сукут новербал воситалар жумласига кириб, унинг коммуникациядаги иштироки нолисоний асосда амалга оширилади. Дискурсив муносабат сукутнинг вербал ахборот узатувига тенглаштирилади.

Новербал восита бўлмиш сукут вербал восита каби коммуникациянинг компоненти саналади. Сукут, гарчи сўзсиз равишда коммуникантга ахборот узатса-да, адресат сукутни интерпретация қилиши натижасида суҳбатдошга мос равишда жавоб реакциясини беради (вербал ёки новербал йўл билан). Бу эса алоқа-аралашувнинг рўёбга чиққанини билдиради. Сукут орқали фикр ифодалангани ва унга адресат томонидан акс таъсир берилгани сабаб ушбу ҳолда дискурсив муносабат амалга ошади.

Сукут нутқий акти бир қанча хусусиятларга эга бўлиб, биринчидан, унинг коммуникатив маъно ифодалаши учун, иккинчидан, суҳбатдошнинг адекват тушуниши ва коммуникантлар у ўртасида алоқа-аралашувнинг юзага чиқиши учун пропозиционал мазмун, яъни ноль шаклдаги локатив куч бўлиши, сўзловчи ҳам, тингловчи ҳам сукут коммуникатив актини тушуниши керак. Сўзловчи (бу ўринда жим турувчи, сукут сақловчи) сукут қилишдан, албатта, маълум мақсадни кўзлаган, тингловчига ниманидир айтмоқчи бўлган бўлади. Тахминий ва ҳақиқий шароитларга мулоқот жараёнида аниқлик киритилади.

Сукут бошқа новербал воситалардан шуниси билан фарқ қиладики, вербал ва новербал воситалар алоҳида олинганда муайян маъноларни билдириш учун хизмат қилади, лекин сукут (жим туриш) ифодалайдиган маъно (тушунча) фақат ситуация ва контекстда аниқланади ва яна у социолингвистик, культуролингвистик, этнолингвистик, психолингвистик ва паралингвистик жиҳатларга ҳам боғлиқ бўлади. Сукутнинг контекстдаги маъноси конвенционал характерга эга бўлади. Унинг матн таркибида ишлатилиши бошқа бирликлар каби муқим бўлмасдан асосан шароит асосида маъно билдириб келади. Шунинг учун контекст билан сукут мазмунининг интерпретацияси ўртасида мустаҳкам алоқа бўлади, бу эса дискурсив парадигма доирасида бўлади. Лекин дискурсив муносабат асосидаги сукут ифодалайдиган маъно барча қўллайдиган ва барча бирдек тушунадиган ҳодиса бўлмасдан, унга коммуникантлар муносабати нуқтаи назаридан ёндашиш тўғри бўлади.

Прагматик сукут режалаштирилган коммуникатив ҳолат бўлиб, гарчи ҳеч нарса ифода этилмаса-да қандайдир хабар (келишув, қайғу, ваъдалашув, илтимос, мутелик, айбдорлик...) узатилади. Тилга антропоцентрик ёндашув асосида ушбу ҳолатни тадқиқ этган тилшунослар алоқа-аралашувда узатилаётган ҳар қандай ахборот суҳбатдошга қаратилганини ва унга таъсир этишини айтиб ўтадилар. Шуни эътироф этиш керакки, сукут маълум халқ маданиятидаги инсоннинг хулқ-атвори доирасидаги мулоқотнинг маҳсули саналади. У ўша халқнинг этик (адаб)

нормалари доирасида шаклланади, қўлланади ва идрок этилади. Катталар гапирганда кичикларнинг, раҳбар олдида ходимнинг сукут сақлаши ўзбек менталитетидан келиб чиққан адаб нормаси саналади.

Бек хонага кирганида, ғала-ғовур бирдан тўхтади. Унинг салобати, нигоҳи, башанг кийиниши, шунингдек, ушбу дақиқада ушбу музофотдаги майда-чуйда ва катта уюшмалар раҳбари экани ҳамма ўтирганларни сергак торттирди, биров унга пешвоз чиқиб, миқ этолмади. Ҳатто унинг берган саволлари ҳам дами ичига тушиб кетган раҳбарчалар томонидан сукутда қабул қилинди. Ахир эртасини ўйлайдиган кимнинг ҳам ушбу ёқимли сукутни бузишга ҳадди сиғарди. (С.Сиёев)

Сукут коммуникациянинг новербал воситаси сифатида денотатив жиҳатдан нолга тенг. Новербал белгилар вербал белгилар билан интеграциялашган ҳолда мулоқотни адекват (табиий, мукаммал, тўла) тушунишни тақозо этади. Вербал коммуникация сўз белгилари, рамзлар асосига қурилиб, оғзаки ва ёзма нутқда қўлланса, новербал компонентлар семиотика, коммуникатив лингвистика, психология ва социологиянинг ажралмас қисми саналади.

Инсоннинг мулоқотдаги новербал муносабатлари унинг руҳий ҳолатидан дарак беради, сукут эса унинг хулқининг муҳим стратегик компонентидир. Пауза мулоқотнинг унсурларидан экан, у артикуляция ва сўзлашдаги танаффусни, паузани билдиради. Сукут алоқа-аралашувнинг новербал воситаси сифатида ментал ва эмоционаллик билан синтезлашади.

Сўз реалликни: предметни, вазиятни, ҳолатни, ҳаракатни тушунчалар орқали ифодалайди. Унга қарама-қарши равишда сукут ҳақиқий вазиятдан ўзига хос равишда узоқлашишни, билиб ёки билмасдан бартараф қилишни билдиради. Худди шу ўринда сўз ва сукутнинг ҳақиқий ўрни масаласи намоён бўлади. В.В.Бибихиннинг фикрича, “Биз қанчалик кўп ахборот аниқласак, камчилик ва етишмовчиликни шунча очиқроқ ҳис қиламиз” [9. Б. 59]. Функционал тилшунослик нуқтаи назаридан олиб қаралганда, белги вазифасини бажарувчи коммуникатив сукут алоқа-аралашувда ишлатилувчи восита сифатида лисоний таҳлил объекти саналади.

Алоқа-аралашув жараёнини кузатиш шундан далолат беради, диалогик нутқда суҳбатдошлар бир неча ҳолатларда сукутдан фойдаланадилар. “Нутқий акт мазмуни тўлиғича сўзловчининг мулоқот мақсади билан боғлиқ бўлиб қолади” [10. Б. 73]. Бизнингча, умумий олганда, сукут мулоҳаза, мушоҳада омили бўлиб, мавжуд ахборотнинг суҳбатдошларнинг мавзу доирасидаги акс таъсири саналади. Зеро, узатилаётган ахборот адресат томонидан қабул қилингач, унинг тафаккур призмасидан ўтиб, суҳбатдошга мос равишдаги “жавоб” сукут орқали узатилади. Бу ўринда сукут вербал воситадан кўра ишончли, таъсирли, самарадор ва тушунарли бўлади ва, эътиборлиси, унинг маъноси коммуникантлар томонидан реаллашади.

Сукутнинг вазифаларини аниқлаш методи, дифференциацияси ва таснифлашнинг тизими ҳали ишлаб чиқилмаган. Бунинг сабабларидан бири сукут нутқий акти мақоминиг аниқ эмаслиги, сукутнинг пауза, индамаслик каби феноменлар билан коммуникациядаги интерпретациясида мураккаблик борлигидан иборатдир. Шу билан бирга, сукутнинг вазифасини белгилашда сукут қилишнинг ҳар хил турлари борлиги ва уларни ўзаро фарқлашдаги қийинчиликлар ҳам аҳамият касб этади. Бу эса сўзловчининг сукут орқали турлича интенцияларни билдиришидан дарак беради.

Сукут фонацион, лексик ва ишоравий новербал воситалардан ва, шу билан бирга, алоқа-аралашувининг вербал бирликларидан коммуникатив актда ишлатилиш жараёни билан, қолаверса, алоҳида ҳолда мазмун-ифодалаш хусусиятлари билан фарқланади. Бунда нутқ ва сукут бир-бирини тўлдиради. Сукутнинг коммуникатив акт доирасида бўлиши коммуникантларнинг ўзаро муносабати асосида намоён бўлади. Ҳатто икки киши сукутда бўлиб, суҳбатлашмаса-да, алоқа-аралашув рўёбга чиқиши мумкин.

Дилдора ва Самандар узоқ вақт жим ўтиришди. Ҳар иккаласи ҳам қизишиб кетиши натижасида ҳурмат доирасидан чиқиб кетган эди. Энди буларнинг сукут сақлаши ўз айбига иқрорлик, кечирим сўраш сукути эди. (Журналдан)

"Сукут – коммуникатив актнинг ноль формаси" дейилса-да, бадиий диалогик нутқда персонаж характерини очиб берувчи, алоқа-аралашув муносабатини ифодаловчи коммуникатив-психологик-эмоционал унсур саналади. Наби Жалолиддиннинг "Хайём" асарида сукут турли бадиий эпизодларда берилган бўлиб, мушоҳада қилиш сукути, сўз тополмаслик сукути, ожизлик сукути, мағлублик сукути каби маъноларни ифодалаш учун хизмат қилган.

– Бунга не жавоб қилурсен?

Лайли сўзсиз тураверди.

– Сўзла!.. – дея ўшқирди малика.

Лайли бир қалқиб тушди, лекин индамади. (*Наби Жалолиддин)*

Лайлининг ушбу сукути ўз айбига иқрор бўлиш сукути эмас, балки зўравонликка асосланган тузумда сукутга айланган ҳақиқатнинг жимлиги эди. Ҳукмдорлар қошида ўзининг тўғри ва пок эканлигини исбот қила олмайдиган маҳкуманинг ожизона сукути эди.

Хулоса

Кўриниб турибдики, сукут таъсирчанлик ифодаловчи коммуникатив актнинг тури бўлиб, унда адресант ва адресатга алоқадор ахборот узатиш ётади. Ҳар қандай сукут нималарнидир гапиради, ҳолатдан келиб чиққан ҳолда хабар узатади.

Сукутнинг энг фаол кўриниши суҳбатдошларнинг ўзаро фикр алмашувларини чегараловчи, коммуникациянинг юзага чиқишидаги бирламчи унсур бўлиб, сукутнинг ишлатилиши, вазифаларини ва матний хусусиятларини ўрганиш тилшунослигимиз олдидаги долзарб масалалардан саналади.

Адабиётлар:

1. *Горелов И.Н.* Невербальные компоненты коммуникации. – Москва: Наука, 1980. – 104 б.
2. *Колшанский Г.В.* Паралингвистика. – Москва: Наука, 1974. – 81 б.
3. *Стернин И.А.* Речевое воздействие как интегральная наука / В кн.: Теоретические и прикладные проблемы языкознания. – Воронеж: Истоки, 2008. – С. 238–353. [Электронный ресурс]. URL: http://www.csp.ru/~rpr/sternin/articles_rus.html#e. (Дата обращения: : 04.01.2022)
4. *Корнилова Н.Б.* Слово и молчание: аспекты взаимодействия // Педагогический вестник, 2003. 11 (04). [Электронный ресурс]. URL: (http://www.yspu.yar.ru / vestnik/index.html). (Дата обращения: 14.01.2022)
5. *Нурмонов А.* Танланган асарлар. 1-жилд. – Тошкент: Академнашр. 2012. – 416 б.
6. *Витгенштейн Л.* Философские исследования. – Москва: АСТ. Астрель, 2010. – 347 б.
7. *Крестинский С.В.* Молчание в системе невербальных средств коммуникации // Тверской лингвистический меридиан: Теоретический сборник. – Вып. 1. – Тверь : Тверской государственный технический университет, 1998. –С. 74–79.
8. *Богданов В.В.* Молчание как нулевой речевой акт и его роль в вербальной коммуникации // Языковое общение и его единицы. Межвузовский сборник научных трудов. – Калинин: Издательство Калининского государственного университета, 1986. – С. 12–18.
9. *Бибихин В.В.* Язык философии // Путь, 1993. – № 3. – С. 57–119.
10. *Сафаров Ш.* Парлигнгвистика. – Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2008. – 300 б.

SILENCE AND IT'S COMMUNICATIVE FUNCTION

M.M.Saidhonov[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Humanitarian Studies. 2022. 1(61). 101-109.

[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str., University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_ info@edu.uz

Keywords: verbal and nonverbal, relation-interfarence, communicative act, silence, communication, silence dialogue, nonverbal code.

In the last years the attention of linguists to the phenomenon silence of is growing. The reason of it the silence is being investigated as an important element in passing information in the structure of communicative act. As silence is meaningless without communication, the speech com-munication is also helpless and nonperfect without silence.

The problem silence of interested and investigated psychologists and psycholinguists today it is being studied. Not only all pragmatic and propositional components can be verbalized, but also they are closely connected with verbal expressions by communicatively and semantically.

From this point of view ''silence''(keeping silence) also takes part in the exchanging process of thoughts between addresser and addresser as a nonverbal means.

The silence is realized through situation. That is why the age of silence, the meaning which it expresses, its place in the communicative act is shown in communicative situation. The most important feature of silence is that it can express a lot of meanings in certain communicative situations.

One of the main problems in investigating the silence in pragmalinguistcs is that it may have communicative value or it may not have it. The percularrity of silence which does not have a value is that it does not carry functional load and it is out of communication. Such kind of silence does not carry out a communicative task.

The silence which carries out a communicative task is usually a sign and is emphasized ''the zero form of speech act'' and it is considered to be the object of our investigation.

It is known that the essence of the dialogue is exchanging information of interlocutors, the silence in the speech field of communicants is analyzed and help to choose suitable information through analyses. We can say that the meaning of silence can be verbalized in many cases. In such situations the silence is being chased or pointed out or confirmed through verbal means.

Silence is expresses various intentions including.

In human communication, silence is considered natural, and silence includes confirmation, denial, understanding and knowing the interlocutor, not understanding and not knowing, shame, embarrassment, excitement or fear, disagreement, resentment, dependence, disrespect, making a thoughtful conclusion, bad mood and other meanings

A method for determining the functions of default, a system of differentiation and classification has not yet been developed. One of the reasons for this is that the status of the default speech act is not clear, and there is complexity in the interpretation of silence in communication with phenomena such as pause, silence. However, the fact that there are different types of defaults and the difficulty in distinguishing them from each other is also important in defining the function of default. This indicates that the speaker is expressing different intentions by default.

References:

1.Gorelov, I.N. (1980) *Neverbal'nye komponenty kommunikacii* [Non-verbal components of communication]. Moscow: Nauka.

2. Kolshanskij, G.V. (1974) *Paralingvistika* [Paralinguistics]. Moscow: Nauka.

3. Sternin, I.A. (2008) *Rechevoe vozdejstvie kak integral'naya nauka* [Speech influence as an integral science]. In: Teoreticheskie i prikladnye problemy yazykoznaniya [Theoretical and applied problems of linguistics]. Voronezh: Istoki. Pp. 238-353 [Online]. URL: http://www.csp.ru/~rpr/sternin/articles_rus.html#e). (Date of access: 04.01.2022)

4. Kornilova, N.B. (2003) Slovo i molchanie: aspekty vzaimodejstviya [Word and silence: aspects of interaction]. *Pedagogical Bulletin*. 11 (04). [Online]. URL: (http://www.yspu.yar.ru / vestnik/index.html). (Date of access: 14.01.2022)

5. Nurmonov, A. (2012) *Tanlangan asarlar* [Selected works]. Volume 1. Tashkent: Akcademnashr.

6. Wittgenstein, L. (2010) *Filosofskie issledovaniya* [Philosophical research]. Moscow: AST. Astrel.

7. Krestinsky, S.V. (1998) Molchanie v sisteme neverbal'nyh sredstv kommunikacii [Silence in the system of non-verbal means of communication]. In: Tverskoj lingvisticheskij meridian: Teoreticheskij sbornik [Tver Linguistic Meridian: Theoretical Collection]. Issue. 1. Tver: Tverskoj gosudarstvennyj universitet. Pp. 74-79.

8. Bogdanov V.V. (1986) Molchanie kak nulevoj rechevoj akt i ego rol' v verbal'noj kommunikacii [Silence as a zero speech act and its role in verbal communication]. Yazykovoe obshchenie i ego edinicy [Language communication and its units]. Mezhvuzovskij sbornik nauchnyh trudov [Interuniversity collection of scientific papers]. Kalinin: Izdatel'stvo Kalininskogo gosudarstvennogo universiteta. Pp. 12-18.

9. Bibikhin V.V. (1993) Yazyk filosofii [The Language of Philosophy]. *Put'.* No. 3. Pp. 57-119.

10. *Safarov, Sh*. (2008) *Paralingvistika* [Paralinguistics]. Tashkent: “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti.

Муаллиф ҳақида маълумот:

САИДХОНОВ Маъмуржон Муҳаммедович – филология фанлари номзоди, Андижон давлат университети Ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти. E-mail: saidxonov54@mail.ru